

Аршнинг вазнича Аллоҳга ҳамд айтаман

17:10 / 29.04.2019 5370

Уммул мўминийн Жувайрия розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эрталаб субҳ намози пайтида унинг ҳузуридан чиқиб кетдилар. У намоз ўқийдиган хонасида эди. Сўнгра зуҳро намозини ўқиб бўлиб қайтиб келсалар, Жувайрия онамиз ҳали ҳам ўтирган эдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Чиқиб кетганимдан бери шу ҳолатда ўтирибсанми?» деб сўрадилар. Онамиз розияллоҳу анҳо: «Ҳа», дея жавоб бердилар. «Мен сендан кейин тўртта калимани уч мартадан айтдим, агар улар тарозида ўлчанса, сен бугун айтган нарсалардан оғир келади, – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. – Улар:

وَتَأْمُرُكَ بِأَدِّمِ وَشَرِّعَ نَزْوِ وَسُفْنَ أَضْرَوْ وَقُلِّحَ دَدَعِ وَدَمَحَبَّوْهَلْ لِنَ أَحْبُسْ

«Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ъадада холқиҳи ва ризо нафсиҳи ва зината ъаршиҳи ва мидада калиматиҳи».

Маъноси: Яратганларининг ададича, нафси рози бўлгунича, аршнинг вазнича, калималарнинг узунлигича Аллоҳга ҳамд айтаман ва Уни поклайман.

Имом Муслим ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан